

Наим КАРИМОВ

Миллий қаҳрамонларимиз

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НЕГА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН?




Кетгуси сонларда ўқинг

Мурат ЙИЛДИРИМ:

# «SCORPION» — Ўзбек киносида янги қадам

Кетгуси сонларда ўқинг



# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 5 апрель • пайшанба • № 40 (4013)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрель куни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва галдаги энг муҳим вазифаларга бағишланган йўналиш ўтказилди.

Илгари тадбиркорликни йўлга қўйиб, бирор фирма ёки корхона очмоқчи бўлган одам хужжат тўғрисида жараёнида сарсон-саргардон бўларди. Нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун ҳам баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келарди.

Бугун ҳам қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги давлат хизматлари кўрсатишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада экани ва қоғоз хужжатлар айланмасининг сақланиб қолгани асоссиз молиявий харажатларга, фуқароларнинг ортиқча кутуб қолиши ва навбатлар юзга келишига, бу эса оқибатда баъзан коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида инсон манфаатлари бош мезон сифатида белгилангани ҳамда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган улуғвор ғоя илгари сурилгани давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. 2018 йил 1 январдан «Ягона дарча» марказлари Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Бугунги кунда мазкур марказлар томонидан болаларни мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, лойиҳа хужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, яқка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш, сувдан маҳсул фойдаланиш ёки сувни маҳсул истеъмол қилиш учун рухсат бериш каби хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари турини янада кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат хизматларининг ҳар бири тури «Фуқаролар эмас, хужжатлар харақатланади» тамойилига кўра, ваколатли давлат органлари, ташкилотлар

зарур хужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштирилади.

Албатта, одамларнинг мушкуллини осон қиладиган, замонавий технологияларга асосланган бу тизим халқимизга катта қулайлик яратмоқда. Лекин ҳали жойларда айрим камчиликлар борлиги тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишда қийинчилик туғдирмоқда.

Масалан, айрим ваколатли органларда давлат хизмати кўрсатиш бўйича электрон ахборот тизими тўлиқ жорий этилмаган, идоралараро электрон ахборот алмасишуви йўлга қўйилмаган. Айрим Давлат хизматлари марказлари оптик толали интернет тармоғига уланмаган.

Йўналишда бу муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идораларга 50 та давлат хизматлари бўйича электрон ахборот тизими ва электрон маълумотлар базасини яратиш, барча давлат хизматлари марказларини оптик толали интернетга улаш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, барча марказларда электрон навбат тизimini ишга тушириш, уяли телефонлар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имконини

берадиган дастурлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат хизматлари марказлари биносининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва давлат-хусусий шериклик асосида замонавий қилиб қуриш, бу борада инвесторларга имтиёзлар бериш вазифаси қўйилди.

Маълумки, тадбиркорликка доир 35 турдаги лицензия ва рухсатномалар ҳуқуқат томонидан берилди. Бундай ўта марказлаштириш тадбиркорлик ривожига тўқтинлик қилади. Шу боис, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ, лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини кескин қисқартириш ва соддалаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Кадастр ва қурилиш соҳаларида давлат хизматлари кўрсатиш қоникорсиз аҳволда экани жиддий танқид қилинди. «Ерегодзекадастр» кўмитасига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда кўчмас мулк объектларининг кадастр хужжатларини электрон тартибда юритиш, кадастр гувоҳномаларини қозғода эмас, балки электрон реестрдан кўчирма шаклида бериш амалиётини жорий этиш вазифаси топширилди.

Ў.А.

### КҮН НАФАСИ

Адлия вазирлигининг «Хуқуқий ахборот» канали хабар беришича, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев куйидаги қонуиларни имзолади.

— «Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари тутаган ҳудуди тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун;

— «Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун;

— «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳодимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун (унга мувофиқ, 18 апрель Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳодимлари кунини эътиб белгиланди);

— «Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун;

— «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи кўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун;

— «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонун (Ушбу Конвенциянинг жинсий жазо сифатида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни мусодара қилишни қўллаш мумкинлигига тааллуқли қисми миллий қонунчиликка мос келмаганлиги учун Ўзбекистонда қўллавиқлиги шартли билан ратификация қилинди).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 апрель куни **Абдулфаттоҳ ас-Сисини Миср Араб Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табриклади.**

Эслайтиб ўтамиз, 2 апрель куни Мисрда президент сайловлари бўлиб ўтган ва унда ас-Сиси катта устунлик билан ғалаба қозongan эди.

«Муътабар аёл» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳуқуқат қарори қабул қилинди.

«Муътабар аёл» кўкрак нишонини билан муқофотлаш Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Бошқарувининг қарори асосида амалга оширилади.

«Муътабар аёл» кўкрак нишонини билан давлат ва жамият ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши, фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизлар тақдирланади.

«Муътабар аёл» кўкрак нишонини 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида топширилади.

Жиззах вилоятида бир қатор кадрлар алмашинуви рўй берди. Халқ депутатлари туман кенгашиларининг навбатдан ташқари сессияларида — Дўстлик туманида илгари Жиззах вилояти ҳокими вазифасида ишлаган **Улуғбек Узоқов**, Зафаробод туманида илгари Дўстлик тумани ҳокими бўлган **Иброҳим Қаримов**, Бахмал туманида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорка ер эгалари кенгаши раисининг ўринбосари лавозимидан ишлаб келган **Муса Анорбоев**, Пахтакор туманида илгари Тошкент вилояти ҳокими бўлиб ишлаган **Шукрулло Бобоев**, Зарбдор туманида илгари Пахтакор тумани ҳокими бўлган **Нарзулла Хушвақтов** мазкур туманларга, Жиззах шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида илгари «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан ишлаб келган **Ақбар Шукуров** Жиззах шаҳрига ҳоким этиб таъинланди.

Жиззах вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига «Микро-кредитбанк» АТБ раиси бўлиб ишлаган **Ғанишер Маматқулов**, саноат, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари этиб Жиззах шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келган **Ақром Раҳмонқулов**, вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин қизлар кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи этиб Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган **Назира Мухторова** таъинланди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

### Муносабат

## Улуғларга муносиб эҳтиром

Яқиндагина Президентимизнинг «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори чиққан эди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай «Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарор эълон қилинди. Ҳар икки хужжат қўшни қардош халқларнинг улғ сиймоларига халқимизнинг улкан меҳр-муҳаббати, эътироф ва эҳтироми, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Қарорда таъкидланганидек, Чингиз Айтматов нафақат кирғиз эли, айни пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймодир. У Ўзбекистоннинг улкан дўсти, минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, уларни асраш йўлида фидокорона меҳнат қилган адолат ва ҳақиқат куйчиси эди. Халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилган бу зот давлатимиз томонидан «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирлангани ҳам бунинг яққол исботидир.

» 2

### Президент ташрифидан сўнг!



## Нукусда янги болалар боғчаси иш бошлади

Нукус шаҳридаги «Кўшбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан «Менинг кўёшим» мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.



А.НАСИРЛАЕВ,  
Ў.А. мухбири

## Саволлар аниқ, жавоблар...

Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўз фикр, талаб ва таклифларини эркин баён этадиган минбар бўлиши билан бирга аҳоли ва давлат ташкилотлари, ижтимоий аҳамиятга молик йирик корхона-ташкilotлар ўртасидаги кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Зеро, мансабдор шахслар ОАВ орқали аҳолини йўлантираётган турли муаммолар ҳамда мамлакат тақдирига дахлдор таклиф ва тавсиялар билан танишиш имконига эга бўлиши ҳуқуқий-демократик жамиятнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

» 3





куёш акс этгани сингари афоризмга айланган ушбу пурхикмат сўзлар адибнинг юртимизга, халқимизга буюк муҳаббати, садоқати ифодасидир.

Шу ўринда адибнинг публицистикасига алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг сира иложи йўқ. Негаки, даврнинг разведкачиси, сўзи, овози, солномачиси бўлган бу жанр кейинги йилларда янада муҳим аҳамият, долзарблик касб этаётди.

Чингиз Айтматов кишлоқ ҳўжалик институтида ўқиб юрган кезларидаёқ газеталарга хабар, лавха, мақолалар ёзиб, каламини чархлаб борган ва не саодатки, умрининг охирига қадар журналистикага, публицистикага содиқ қолди. «Литературный Кыргызстан» журнаliga бош муҳаррир, «Правда» газетасининг Ўрта Осиё республикалари бўйича ўз муҳбири бўлиб ишлаган кезлари ёш, гайратли, изланувчан Чингиз минтақа бўйлаб кўп кезар, интер-

фар аъзоси, киргиз адибнинг ўзи иштираётган бўлса ҳам, уни ғойибона бош муҳаррирликка сайлашган, катта ишонч билдиришган.

Чингиз Айтматов публицистикаси бадий асарлари сингари мафтункор ва жозибador, камровли ва хузурбахш, марокли ва пурхикмат, бир сўз билан айтганда, жасорату маҳорат ҳосиласи. Очерк ва эсселари, мақола ва хатлари, суҳбат ва нутқлари камрови кенглиги, маъноси теранлиги, оҳори тўқилмаган, кутилмаган далил ва мисоллар, босик, эхтиросли, чўнг ва чўғдор фикрларга, санъаткорона мушоада, фалсафий муҳокама, публицистик мулоҳазаларга бойлиги, тили соддалиги, ширдорлиги, образлиги, рангдорлиги, сўз ва ибораларнинг аниқлиги, мантиқан далилланган ва ишонарлиги каби кўплаб фазилатлари билан ажралди туради. Ва бу публицистика ҳаётини ва ижодий тажрибаси катта, билими, савияси жуда кенг, жаҳон адабиёти хазинасини кўп ва хўп ўқиб мағзини чаккан, фуқаровийлик туйғуси кучли, инсонлар, мамлакатлар тақдирига дахлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказган, далил, ходиса, жараёнларга замонавий онг, сайёравий тафаккур уфқи ва юксаклигидан қараб ҳукм чиқарган, баҳо берган етук, истеъдодли ёзувчининг дилномалари эди. «Олтин дарвозалар», «Анъаналарнинг ўзаро алоқадорлиги», «Маънавий таянч», «Бари барчага дахлдор», «Одаимлик... дефицитми?», «Она тили мўъжизаси», «Сўзга ажратилган бир соат», «Ҳаёт кадр-киммати», «Инсонга ишонаман», «Кўзимиз очилиши баҳоси», «Қайта куриш, демократия — омонлик дарахти», «Заминимизга зил кетяптими?», «Тўхтатиб қолинган вақтми? Узайтирилган ҳаёт» каби кўплаб мақола, суҳбатлари фикримиз далилидир.

Экология, ахлоқ, маънавий кадриятлар, маданиятлар ҳамкорлиги, миллийлик ва байналмилаллик, лисоний сиёсат, тарих, Амир Темура муносабат каби жиддий, нозик масалалар, уларнинг турли жиҳатлари хусусида энг эътиборли, асосли, адолатли, ҳалол, мақбул гапни собик марказий матбуот саҳифалари, эфир ва экранда биринчилардан (кўпинча биринчи) бўлиб Чингиз Айтматов жасорат билан айтганди. Одатан қисқа, бир неча саҳифалик интервью жанрини япон ва козок шоирлари Дайсаку Икэда ҳамда Мухтор Шохонов билан интервью-кисса, интервью-романга айлантирган ҳам Чингиз Айтматов бўлди.

Машхур адиб бадияти, публицистикаси, инсоний фазилатлари ҳақида юртимиз олим, адиб, журналистлари кўп нарса ёзишган, ёзиляпти. Ўзим ҳам бир неча мақолалар ёзганман. 2004 йил Москвада нашр этилган «Ковчег Чингиз Айтматов» номли китобдан «Сайёравий тафаккур адиби» номли салкам икки босма табоқли мақола ҳам ўрин олганидан, ёзувчининг ўзи назардан ўтказиб, маъқул топганидан бахтиёрман.

Адиб юбилейини «Чингиз Айтматов публицист ва мунаққаб» деган янги китоб билан кутиб олмақчиман. Зеро, жаҳонга машхур адиб ва жамоат арбобининг ҳаёти ва ижоди билан дахлдорликдан хамиша фахрланаман.

Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи, публицист

# Улуғларга муносиб эҳтиром

Беш банддан иборат қарорда юбилейни юқори савияда нишонлаш белгиланган бўлиб, жумладан «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» номли хотира китоби тайёрлаш ва нашр этиш, адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш, асарлари асосида янги спектакллар сахналаштириш ва бадий фильм суратга олиш, пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига унинг номини бериш, Паркентдаги 33-мактабда бюстини ўрнатиш, илмий конференция, Ўзбек Миллий академик драма театрида ижодий кеча, жойларда таниқли шoir, ёзувчи, олимлар иштирокида учрашувлар ўтказиш, тадбирларни кенг ёритиб бориш кўзда тутилган.

Чингиз Айтматов асарлари 200 га яқин мамлакатда қазна нуسخада нод этилган. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда: «Жамила», «Бўтакўз», «Биринчи ўқитувчи», «Сарвиқомат дилбарим», «Момо ер», «Алвидо, Гулсари!», «Ок кема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопаетган олапар», «Чингизхоннинг ок булут», «Болалигим» киссалари, «Асрни қаритган кун», «Қиёмат», «Касандра тамгаси», «Чўққиди қолган овчининг оху зори», «Рух улғурлигига қасида», «Тоғлар қулаганда» романлари нашрдан чиқши ҳамоноқ нафақат ўз юрти, балки жаҳон микёсида муҳим маданий-маърифий воқеа дея эътироф этилган, бошқа тилларга ўгирилиб, кўплаб нуфузли мукофотларга сазовор бўлган эди. Адиб кўплаб хикоялар, ўткир публицистик мақолалар, драматик асарлар, киносценарийлар муаллифи ҳамдир.

Яна бир марокли факт. Чингиз Айт-

**Ҳикмат**  
*Устоз отангдан улуғ, деганлари бежиз эмас, Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғилиш осон, яшаш қийин...*

Ўткир Ҳошимов

матов ижоди, ҳаётига бағишлаб ёзилган мақола, эсдалик, эссе, диссертация, китоб ва тадқиқотлар жамлаиб, уст-ма-уст тахланса, адибнинг бўй-бастидан ҳам ошиб кетиши аниқ. Ўзбекистонлик ёзувчи ва шоирлар Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Сулфия, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Аҳмад Аъзам, Муҳаммад Али, олимлардан Иззат Султон, Озод Шарафидинов, Ҳамидулла Болтабоев, Иброҳим Гафуров, журналист Аҳмадҷон Мелибоев ва бошқаларнинг машхур адибга бағишланган мақола, тадқиқот, маърузалари ва таржимонларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Чингиз Айтматовнинг деярли ҳамма асарлари «Ҳаётимизнинг тарихи» китобида қайд этилган ва нашр этилган. Адиб ўз вақтида «Мен ихлос билан китобларимни ўзбек тилига ўгирган дўстларимга, айниса, адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки менинг асарларимни Асилжон ўзбекчага худди мен киргиз тилида ёзгандай жарангли таржима қилди. Мана шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-қудратидир», дея эътироф этганди.

«Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қаролмайман», «Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин», «Агар Ўзбекистоннинг ҳамма пахтасини жамулжам қилиб вагонларга орталадиган бўлса, Ердан то Ойга қадар етадиган эшелон зарур бўларди, бунинг муболага жойи йўқ...» Томчида

вьюлар олар, маҳоратини ошириб борар, корреспондентия, очерк, мақола, лавхалар ёзарди. Ён дафтарига тушган битиклар, марокли суҳбатлар, монолог, диалоглар хикоя, кисса, роман, драма ва сценарийлар ёзишида ҳам кўл келди, характерлар тилига кўчди. Илк киссалари босилиб, айниса, «Жамила» «Новый мир» журналинда эълон қилиниб, француз, ўзбек, козок ва бошқа тилларга ўгирилиб, муаллифни та-

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ТАҚДИРИНИ ЎЗ ТАҚДИРИМДАН АЖРАТИБ ҚАРОЛМАЙМАН», «ҚАДИМ ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИНИ КЎХНА ВИЗАНТИЯНИНГ РУСГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ БИЛАН ҚИЁСЛАШ МУМКИН», «АГАР ЎЗБЕКISTONNING ҲАММА ПАХТАСИНИ ЖАМУЛЖАМ ҚИЛИБ ВАГОНЛАРГА ОРТИЛАДИГАН БЎЛСА, ЕРДАН ТО ОЙГА ҚАДАР ЕТАДИГАН ЭШЕЛОН ЗАРУР БЎЛАРДИ, БУНИНГ МУБОЛАГА ЖОЙИ ЙЎҚ»...**

ниқли қилгач, энди кўпроқ ундан интервью оладиган, суҳбатга қорлайдиган бўлиши. Табиатан одамоҳун, кўнгли очик, феъли кенг, суҳбатлашишга мойил адибга газета, журналлар, радио, телевидение, кинохроникадан муҳбирлар, ҳамкасб ёзувчи, мунаққид, таржимонлар тез-тез мурожаат этиб туришар, ҳар бир интервьюси, суҳбати ўзига хос воқеа сифатида овоза бўлиб кетарди. Мақола, суҳбатлари собиқ Иттифок, хорижнинг бир қатор нуфузли нашрларида босилар, ўзи кўпгина нашрларнинг тахририят жамоатчилиги кенгаши аъзоси эди. Адибнинг публицистикаси махсус китоблар ҳолида нашр этилган, шунингдек, уч жилдлик, етти жилдлик, ўн жилдликларидан ўрин олган.

1989 — 1990 йилларда Айтматов Москвада нашр этиладиган «Иностранная литература» журналининг бошқаради. Қизғини шундаки, тахририятнинг 17 на-

Ташаббус

## Сиз касаба уюшмасини биласизми?

Ушбу савол сизни ўйлантириб қўйдими? Ҳаёлингиздан ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватловчи, бандлик, меҳнат муҳофазаси йўналишларида ҳамкор ва таянч бўлишга қодир жамоат ташкилотини ўтган бўлиши аниқ. Аммо санаторийларга бериладиган йўлланмалар-у турли байрам муносабати билан уюштириладиган тадбирларни ўйлаганлар ҳам йўқ эмас, албатта. Демокчимизки, ҳар бир соҳа ҳамиша тарғиботга эҳтиёж сезади. Умуман олганда, бугунги ахборот технологиялари асрида барча ташкилот ва муассасалар ўз фаолияти ҳақида одамларни мунтазам хабардор этиб бориши давр талабига айланди.

Аслида ҳам катта-катта ташаббуслар асосида амалга ошириладиган хайрли ишлар кўпчилигида хайрихолик уйғотиши табиий. Жумладан, касаба уюшмалари ўзининг асосий вазифалари — меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, аҳолининг турли катламларига мўлжалланган қатор акциялар, форумлар, меҳр-муруват тадбирларини мамлакатимиз микёсида доимий равишда ўтказиб келади. Бунинг нечоғли ижтимоий аҳамиятга эга эканини касаба уюшма кўмағида наф кўрган инсонлар қувончида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан пойтахтдаги касб-хунар таълими муассасалари битирувчи ўқувчилари ўртасида «Сиз касаба уюшмасини биласизми?» кўрик-танлови ташкил этилмоқда.

Ушбу кўрик-танлов таълим муассасалари битирувчи ўқувчиларининг касаба уюшмаси тўғрисидаги билимини ошириш, уларни мамлакатимиз Конституцияси ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлашга қа-




ратилган. Шунингдек, ўқувчиларга соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитлари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, жамоа шартномаси аҳамиятини тушунтириш, уларни касаба уюшмалари фаолиятига кенг жалб этиш ва рағбатлантириш масалалари ҳам эътиборга олинган.

Танловнинг саралаш, тармок ва якуний

босқичи апрель-май ойларида бўлиб ўтади. Саралаш босқичи апрель ойининг 23-сана-сига қалар давом этади. Тармок босқичи эса апрель ойининг 23 — 28 кунлари ўтказилади. Танловнинг якуний босқичи тармок босқичи ғойиблари иштирокида май ойида яқунланади.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Касаба уюшмаси ҳудудларда

Андижонда меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи яқунланди.

Қатнашчилар иш ўринларининг санитария-гигиена талабларига мослиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларига риоя этиш, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари таъминоти, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, тиббий кўрик масалалари каби қатор тамойиллар асосида баҳоланди.

«GM-Uzbekistan», «Андижон биокимё заводи», «Асақадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятлари, Андижон радиотелеузастиш маркази, «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши, «Равон тараккиёт орзуи» масъулияти чекланган жамияти сингари ўнга жамоа «Энг яхши ташкилот» номинатсияси бўйича навбатдаги босқичга йўланма олдди.

Шунингдек, ҳар бир тармакдан «Энг яхши бошланғич ташкилот», «Меҳнат муҳофазаси бўйича вақил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» йўналишлари бўйича ғойиблар республика босқичига тавсия этилди.

Жиззах вилоятида ходимларнинг дам олиш кунларини мазмуни ташкил этиш, уларни юртимизнинг тарихий-маданий масканлари билан таништириш ҳамда ички туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази ходимларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ҳам таассуротларга бой бўлди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастурига мувофиқ шаҳарнинг диққатга сазовор қадимжолари: Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, «Ўри Амир» мақбараси, «Шоҳи Зинда» ёдгорлик мажмуаси, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ёдгорлик мақбараси зиёрат қилинди.

Навоий вилоятидаги «Жанубсаноятмонтаж» АЖДа жамоа шартномасининг 2017 йилдаги ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда акциядорлик жамияти директори Мардон Расулов ҳамда касаба уюшма кўмитаси раисининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, жорий йил учун жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгарттиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Жамиятда 180 нафар ходим меҳнат қилди. Ўтган йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вақиларида моддий ёрдам берилди. Ходимлар манфаатини қўллаб бира маҳал бепул иссиқ овқат ва ишига келиб-қетиши учун икки йўналишда автобус ташкил этилди. Меҳнатқашлар махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Конференцияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаргона. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат дастури доирасида бир қатор Конвенциялар бўйича туркум семинарлар ўтказилиши белгиланган.

Шунга асосан, Фаргона шаҳрида Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши раиси ўринбосарлари, тегишли бўлим мудири, йирик қорхона ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари ҳамда ХМТ эксперти Харри Талига иштирокида минтақавий семинар ташкил этилди.

Семинарда Фаргона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эркин Нуралиев ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенциялари юзасидан эътиборга молик ишларни амалга ошираётганини таъкидлаб ўтди. ХМТ эксперти Харри Талига «Уюшмалар эркинлиги тўғрисида» ва «Касаба уюшмалари бирлашиш ҳамда жамоа музокараларини юритиш тўғрисида»ги Конвенциялар мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди.

Тошкент. «Ботаника» санаторийсида Санатор-курортлар бошқармаси тизимидagi санаторий ва дам олиш уйлари бош бухгалтерлари ва иқтисодчилари учун «Миллий қонуқчилик асосида бўлғалтерия ҳисоби ва МХХС соҳасидаги ўзгаришларнинг таҳлили ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашнинг амалиёти» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Семинар иштирокчилари ўзаро тажриба алмашишди ва фаолиятлари юзасидан мутахассислардан керакли маслаҳатлар олишди.

Хоразм. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси томонидан Урганч туманида ташкил қилинган маданий-маърифий тадбирга боқувчисини йўқотган, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп йиллардан бери ишлаб келаётган ишчи-ходимлар, меҳнат факриларни тақриф қилинди.

Тадбирда бутунги кунда мамлакатимизда инсон омилига эътибор қўчайиб, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилайётганини эътироф этишди.

Ўз муҳбирларимиз

Долзарб мавзу

Замонавий тиббиётнинг асосий вазифаси давлат ва жамиятга катта зарар етказиши мумкин бўлган оғир тиббий-ижтимоий касалликлар ва улардан юзага келадиган асоратларнинг олдини олишдан иборат. Эндокринологик касалликлар шундай долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки аксарият ҳолларда эндокрин касалликларнинг сурунқали кечиси оқибатида беморлар оғир вазиятларга тушиб қолиши мумкин.

## Бойлигимиз

Шу боис аҳолига эндокринологик хизмат кўрсатишнинг самарали тизимини ташкил этиш тиббиётдаги муҳим йўналишдир. Ҳозирда вилоятларда 14 та эндокринология диспансери, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари тизимида 471 та эндокринолог кабинет (шундан 159 таси болалар учун) хизмат кўрсатмоқда. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт Маркази бу йўналишда етакчи муассаса саналади.

Жойларда эндокринологик хизмат сифатини яхшилаш мақсадида Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Андижон вилояти эндокринология диспансерлари ушбу марказ филиалига айлантирилди. Марказ томонидан жойлардаги филиаллар ва диспансерларга услубий-амалий ёрдам кўрсатишни Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт Маркази бу йўналишда амалга оширмоқда. Хусусан,

Ҳикмат  
Мақсада яқинлашган сайин машаққат ортиб боради. Лекин ҳар бир киши юлдузларга ўхшаб сокинлик билан шошмасдан, бироқ белгиланган мақсад сари улғусиз интилган ҳолда, ўз йўлларини босиб ўтиши керак.  
Йоҳан Вольфганг Гёте



Журналнинг янги сони



«ГЕНЕЗИС» — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШЛАНИШИ...

Яқинда нашрдан чиққан «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг бу йилги биринчи сониди чоп этилган Андижон давлат университети катта ўқитувчиси Азизбек Эгамбердиевнинг «Инновациялар генезиси ва тараққиёти» сарлавҳали мақоласи кўпчилиكنинг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Мақолада ҳаётимизда содир бўлаётган туб бурилишлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари тўғрисида фикр юритилади. Жумладан, унда инновацион ғоялар, технологияларнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, таълим ва бошқа соҳаларга жорий қилиниши фуқароларнинг турмуш даражасида қандай акс этиши хусусидаги мулоҳазалар баён этилади.

«Янги фикр, янги ғоя ва инновация — тараққиётнинг муҳим мезонлари» сарлавҳали мақолада тараққиётимизнинг янги босқичи сифатида тарихга кирган 2017 — 2021 йилларда мамлакатимизни ривож-

лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларнинг «йўл харитаси»га айлангани хусусида фикр юритилади.

Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар номзоди Хайдарали Муҳаммедовнинг «Президентнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси — Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим тарихий ҳужжат» сарлавҳали мақоласида ҳозирги вақтда Мурожаатнома нафақат Ўзбекистон, балки хорижий мамлакатлар экспертлари томонидан ҳам эътироф этилгани ҳақида сўз боради.

Юристар малакасини ошириш Маркази кафедраси муdiri, юридик фанлар доктори Лола Сидикованинг «Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши ва таълим соҳасининг истиқболлари» мавзусида чоп этилган мақоласида баён этилган масала ҳам ўқувчиларни бевосита қолдиришга шубҳасиз. Унда хусусий олий таълимни жорий этиш, хусусий илмий-технологик лабораторияларга йўл очиб давр талаби экани тўғрисида мулоҳаза юритилган. Бунга бир қанча хорижий давлатларнинг тажрибалари мисол сифатида келтирилган.

Хулоса ўрнида айтилган бўлсак, журналда чоп этилган мақолалар мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ёритишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Газетхонлар талаби билан

Адабиёт — кўнгул мулки. Қалб қўри билан битилган асарлар хоҳ насрда, хоҳ назмда бўлсин, инсонга руҳий қувват, маънавий озۇқа беради. Камолотга етаклайди. Муштарийларимиздан таниқли ёзувчи ва шоирлар, улар қаторида ҳаваскорларнинг ҳам ижод намуналарини чоп этиб боришимизни сўраб кўплаб мурожаатлар тушади. Газетамиздаги ушбу янги рўкн айтиш шу истакларга жавоб сифатида ташкил этилмоқда.

Кўнгул манзаралари



Малика САЛИМОВА

Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус филологияси факультетини тамомлаган. Шеърлари матбуотда эълон қилинган.

ЎЗБЕКЛАРИМ

Осмон илмин ҳали олам билмай туриб,  
Фазоларга ҳеч ким нарвон илмай туриб,  
Хасталарга шифо айтган кўрмай туриб,  
Тоғмаҳаллар қуриб кетган ўзбекларим.

Ўн бир ғида ўттиз пора Қуръон ўқиб,  
Шоирлари тушларида шеърлар тўқиб,  
Ўзи эмай боласини болда боқиб,  
Оналарин Ҳажжа элтган ўзбекларим!

Душман кирса, қадамини қийиб қўйган,  
Бир тўй қилса, қирқта кўйни сўйиб қўйган,  
Тогдан баланд хирмонларни ўйиб қўйган,  
Кетмон билан эли боққан ўзбекларим!

Меҳнатини ор билмаган ўзбекларим,  
Қулбасини тор билмаган ўзбекларим,  
Бегонага битта нигоҳ инъом этган,  
Аёлини ёр билмаган ўзбекларим!

Қозондан қўшинга ош олиб қўйган,  
Ўшига чоригини илб қўйган,  
Уй тўрени қалдирибча бериб қўйган,  
Хотамтой деб доврўқ олган ўзбекларим!

Битта миҳсиз миноралар қуриб қўйган,  
Фарҳодлари сувни ортга буриб қўйган,  
Керак бўлса тоғларин ҳам суриб қўйган,  
Қурақлари ерга тегмас ўзбекларим!

\*\*\*

МЕН АЛДАНИБ ЯШАШГА РОЗИ

Айтиш!  
Айтиш, майли ёлгон бўлса ҳам,  
Сен ҳаммадан чиройлисан дег.  
Тилдан заҳар томиб турса ҳам,  
Мулоийман, мулоийман дег.

Дунёларга ашишмам ҳеч ҳам.  
Атиргулим, райхоним, лолам!  
Эвазиса боримни бериб,  
Сотиб олган тиллоийман дег.

Кўйимсан, Ойимсан менинг,  
Қўшимда жон жойимсан менинг.  
Ҳаммадан ҳам яхши кўрганам,  
Гулим менинг гулоийман дег.

Айтиш яна, тинмайин тақрор,  
Ўзингсан дег дуторим сози.  
Шу ёлгонга нетай дил хумор.  
Мен алданиб яшаишга рози!

Ҳижронларга бермайман тинҳор,  
Кўксим қалқон, етолмас озор.  
Бир сония ичиди минг бор,  
Бегим менинг, бегоийман дег.



Ҳикмат

Шоир бизни юрак ютиб ботинимизга — руҳиятимиз қарғиға назар солишга ва унда сўйратимизни ўзимиз тасаввур этгандек эмас, балки аслида ўзимизнинг ким эканлигимизни аниқ кўришга даъват этади. **Жак Брел**

Китоб мутлоаси

Китоб — қалбни ёритувчи нур, ақлни чархловчи, онгу шууримизда энг яхши орзу-истакларни ўйғутувчи маънавий хазинадир. Бежизга у до-нишмандликни ёйиш воситаси деб номланмаган.

ДОНИШМАНДЛИК  
МАНБАИ

Ота-боболаримиз китоб ўқиб, яхши фазилатли қаҳрамонлар руҳида тарбияланиб, улардан ибрат олиб, бор илминини ҳаётда дастуриламал қилиб камол топганлар. Мутлоага эҳтиёж эмас, балки одатий ҳол ҳисобланган. Ноёб китоб эгалари катта бойлик соҳиблари бўлишган.

Олимпларнинг хулосаларига кўра, китоб ўқиш жараёнида ҳар ўқилган арақдан сўнг инсон миёсига 7000 та хужайра нобуд бўлиб, бироз муддат ўтиб, улар ўрнини 10 000 тага янги хужайра тўлдириб, ирсий маълумот ва хотира етказиб бера олар экан. Бундан кўриниб турибдики, китоб хотирани яхшилаб, фикрни тиник, мақсадни аниқ қилиб беради.

Китоб кундалик турмуш, инсонийлик фазилатларини намойён этиш, иш ва ўқиб жойларидаги муаммоларни ҳал қилишда катта ёрдам беради. Унга меҳр қўйиб, ардоқлаш даставвал, оиладан бошланади. Агарда оилада ота-она мутлоага кизикса, бу жараён ўз-ўзидан кичикларга бир намуна бўлиб, анъанага айланади, авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Бундай оилаларда одоб-ахлоқ, ота-онага бўлган ҳурмат, кичикларга иззат каби инсоний фазилатлар яққол кўзга ташланади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, китобхон ота-она ўз фарзандини доимо яхши асарлар билан муқофотлайди. Улар барча эзгу фазилатларнинг дебначиси кичикликда эшитган эртаклар, ҳикоялардан бошланишини яхши билади.

Хуллас, буюк саркарда бобомиз Амир Темур айтганидек, «Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Рухия ИСМОИЛОВА,  
журналист

Ёш расом устaxonасида

Табиат бахш  
ЭТГАН ИЛҲОМ


Манзара — рангтаъсирдаги шундай жанрки, расом қаламида у баъзида табиат гўзаллиги, баъзида эса турмуш, ҳаётнинг инъикоси сифатида, яна бошқа бир ҳолатда башариятнинг мингйиллик фалсафий мушоҳадалари кўринишида гавдаланади. Истеъдодли ёш расомлардан бири Умиджон Тўхтасинов ижодиди манзара жанрининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Табиат гўзалликларидан завқланган ҳолда яратилган асарлар расом ижодининг ўзига десак, асло муболага эмас. Ижодкор ўз манзараларида табиатни табиий ҳолатда тасвирлайди, бу каби ечим орқали табиатнинг соф гўзаллигига томошабин эътиборини тортади. Унинг «Куз ёмири», «Хиббонда куз», «Уллаган бут», «Баҳор», «Сирдарёда кич», «Дарё соҳили» асарлари табиат ҳодисаларидаги гўзалликни ўзига акс эттирган.

Ёш ижодкор ижодиди турмуш манзаралари ҳам табиат билан уйғунлашган. Расомнинг бу услубидаги туркум асарлари беихтиёр импрессионистлар ижодини эсга солади. Мисол учун айтсак, «Табиат қўйнида», «Хиббон манзараси», «Ёмғирли бекат» каби асарлари импрессионизм руҳи билан сугорилган.

Борлиқнинг фалсафий манзарасини яратиш, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларни рангтаъсирда акс эттиришда расом ўз услубига эга экани билан бошқалардан ажралиб туради. Бу каби қарашлар унинг «Кўйнинг яралиши» триптихи, «Кўхна тамаддун» каби асарларида ўз ифодасини топган.

«Кўйнинг яралиши» триптихи расомнинг олам ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини намойён этиши билан яққол ажралиб туради. Ижодкор барча нарсанинг ибтидосини нуктада кўради. Нукта — бу ҳаётнинг бошланиши, оламнинг яралиши, ижодкор юрагидан тунглаётган кўйнинг ўзига хос рамзи. Нукта қўйилгач, янги жумла бошланади. Айнан нуктадан сўнг ўзга янги бир нарсга дунёга келади. «Кўйнинг яралиши» триптихидаги биринчи картинанинг «Нукта» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Нукта орқали асар пайдо бўлиши ифодаланган. Триптихдаги иккинчи асар «Юрак ритми» деб номланади. Расом ҳаётни оқ ва қора клавиш-



лардан иборат пианинога ўхшатади. Унда яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, бахт ва бахтсизлик доим ёнма-ён юради. Мусиқа эса инсон қалбидан яралади, юрак уришининг ўзи илоҳий бир мусиқа. Инсон ҳаётдаги ҳар бир воқеа унинг қалбиди қандайдир кечинма тарзида ўз изини қолдиради. Одам-зод севади, севилади, нафратланади, қайғуради, ташвишланади. Буларнинг барчаси юрак ритмида ўз ифодасини топади. Инсон қалби орқали хис қилинган туйғулар жо бўлган, юракдан чиққан кўйин бошқа бегона инсон юраги ҳам сўзсиз тушуна олади. Расом «Юрак ритми» номли маъзур картинасида, асосан, оқ ва қора ранглар уйғунлигида ҳаётни тасвирлашга ҳаракат қилади.

Триптихдаги учинчи картина «Ёмғир симфонияси» деб номланади. Табиат мўъжизаларга бой. Биз ҳар куни кўрадиган оддий табиат ҳодисалари кўйнинг яралиши учун илҳом манбаи ҳисобланади. Ёмғирнинг ерга урилиб тушаёт-

ган томчиларида янги кўйнинг ноталари мужас-самдек гўё. Расом томошабин нигоҳини айнан шу манзарага қаратади. Куй — илоҳий мўъ-жиза. Уни хис қилиш ва яратиш учун эса таби-атни англай олиш лозим.

Мусавир бир-бирининг изчил давоми бўл-ган уч картинада ҳам содда услубни танлайди. Мураккаб элементларсиз содда шакллар ва ранг ёрдамида ўз ғояларини очиб беришга ҳаракат қилади. Ранглар орқали ўз мушоҳадаларини ифодалайди. «Ёмғир симфонияси» картинаси-даги қанотларини парвозга ёйиб учётган оппоқ қабулар — ёмғир томчиларидан илҳомланиб яратилган куй рамзи бўлса, «Юрак ритми» аса-ридаги пианинонинг оқ-қора клавишлари ҳаёт-даги қарама-қаршилиқлар рамзи сифатида гав-далантирилган.

Умиджон Тўхтасиновнинг «Кўхна тамад-дун» картинасида қадимий дунё манзараси ўз аксини топади. Башарият ер юзиди яшар экан, замон ва даврлар ўзгарди. Қадимий ци-вилзациялар юзга келди, ривожланди, юк-салди ва ер билан яқсон бўлди. Инсон эса ҳа-мон яшашда давом этмоқда. Ўтмишга назар келажак учун янги қадамларни қўйиш учун асос бўлади. Картинадаги ранглар мутано-сублиги ва уйғунлиги асар муваффақиятини таъ-минлашга хизмат қилган. Асар сюжети мар-казиди давомиёликни таъминловчи чигирин эъ-р бериб айлантиришга уринаётган инсон образи мужассамлашган. Инсон яралибдики, олға боришга, яшаш учун курашишга, муам-моларни енгиб ўтишга жон-жаҳди билан ури-нади. Турмуш деб аталмиш чигирини айлан-тираверади. Неча авлодлар алмашди, аммо турмуш чигирини айлантиришга уриниш ўз-гармади. Даврлар, замонлар, маданиятлар ўз-гарди, янгиликлар, аммо инсон ҳамон ўша-ўша. «Кўхна тамаддун» картинасида расом-нинг ҳаёт, олам, борлик ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари яна бир қарра ранг ва тасвирда жонланган.

Ранглар орқали фикрларни ифодалаш ёш расомда ўзгача тасвир услуби кўртак ёзаёт-ганидан далолатдир. Расом ижодиди табиат ман-зараси гўзалликларини тасвирлаш билан бирга ҳаёт, олам, башарият, борлик манзарасини акс эттириш, бу ҳақдаги фикрлари, ҳаёлларини то-мошабинга етказишга уринишлар кўзга ташлан-моқда. Демак, расом ижоди ўзининг янги пал-ласини бошламоқда.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,  
Қамолиддин Бехозид номиди  
Миллий расомлик ва дизайн  
институтини докторанти

Синоат

Инсоният қўним топган Ер шари қуёш тизимидида энг йирик сайё-рлардан биридир. Олимплар-нинг фикрича, тирик жонзотлар учун ҳаёт шароити мавжуд бўл-ган сайёрамиз, тахминан, бундан 4,54 миллиард йил олдин пайдо бўлган.

Кўпчилик заминимиз шунча вақтдан бери муқим ҳолатда экан, деб ўй-лаши мумкин. Лекин бу алдамчи таассурот, ҳолос. Гап шундаки, сайёра-мизда ҳар лаҳзада турли ўзгаришлар рўй берад экан.

Олимпларнинг айтишича, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳар 100 йилда 17 мил-лисекундга секинлашмоқда. Бу эса муайян

вақт ўтгандан сўнг куннинг узайишига олиб келади. Бирок бу ҳодиса жуда секин-лик билан рўй бермоқда. Мутахассислар-нинг ҳисоб-китобига кўра, 140 миллион йил ўтгандан кейин куннинг узунлиги 25 соатга тенг бўлади. Бундан ташқари, яшил сайёранинг 70 фоизи дарё ва денгизлар-дан, атиги 30 фоизигина қуруқликдан ибор-рат. Энг аҳамиятлиси шундаки, сайёра-миз бутун кунининг маркази ҳисобланади. Қуёш ва унинг атрофидаги бошқа сайёра-лар доимий ҳаракатда бўлиб, ерга нисба-тан манзил ва масофаларини ўзгартириб туради. Аммо Ер шари ўз жойлашган ман-зилдан асло сийжамайди.

Яна бир қизик маълумот: заминимизда

Она замин хусусияти



сўв захираларининг 3 фоизигина чучук бў-либ, унинг ҳам икки фоизи музликларда,

қолгани эса ер ости, қўл ва дарёларда тўп-ланган.

Ер — ўзининг кучли магнит майдонига эга. Бу уни қуёш шамолларидан химоя қи-либ туради. Унинг яна бир фарқли жиҳати шундаки, кунотда шу вақтга қадар қашф этилган деярли барча сайёраларнинг акса-рияти — Меркурий, Венера, Марс, Юпи-тер, Сатурн қабилар қадим рим халқлари-нинг афсоналарида илоҳийлаштирилган зотлар исми билан номланган.


Қуёш тизимидида жойлашган заминимиз-нинг бошқалардан бундай фарқли жиҳат-лари фақат шундангина иборат эмас. Маса-лан, думалок қашлга эга деб билган сайёра-мизнинг бир томони, аслида, тўлқинсимон

кўринишга эга. Ернинг ўз ўқи атрофида ай-ланиши экватор атрофидаги қисмида қава-рик кўринишини ҳосил қилади.

Кейинги пайтда иқлим ўзгаришлари она табиатимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Рўйи замин музликларининг тез суръатда эриб бораётгани мутахассисларни жиҳдий ҳавотирга солмоқда. Муаммо шундаки, бу ҳол денгизлардаги шўр сув сатҳининг кўта-рилиб кетишига сабаб бўлиб, аҳоли яшаш жойларининг сув тошқини остида қолишига олиб келади. Бунинг моддий ва маънавий зар-рларини ҳисоблашнинг илоҳи йўқ. Шу са-бабли бани башар ҳар бир қадамни ўйлаб босиши зарур.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган

Бош муҳаррир:  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишимиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Норхона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Iprotoka bank» Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бухоро — (+998-93) 653-50-81  
Жиззах — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-91) 141-27-70  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев  
Навбатчи:  
С. Абдурахмонов  
Мусаҳҳих:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Х. Абдужалилов  
Босишга топшириш вақти: —00:50  
Топширилди: — 01:20  
1 2 3 4 5 6  
Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буортма Г —409.  
33247 нускада босилди.  
Нашр қўрсаткичи: 133